

“Сув хужалиги менежменти” фанидан маърузани ўқитиш технологияси

8-Мавзу: СУВ ХЎЖАЛИГИДА МЕХНАТ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШ

1.Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 34-36 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Бошқарув меҳнати, унинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари 2. Меҳнатни рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари 3. Раҳбар ходимларнинг бошқарув меҳнатини баҳолаш 4. Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув меҳнатини оқилона ташкил этишнинг асосий йўналишлари
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Сув хўжалигида меҳнат жараёнларини бошқариш тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - Бошқарув меҳнати, унинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини тушунтириш; - Меҳнатни рағбатлантиришни такомиллаштириш йўлларини тушунтириш; - Раҳбар ходимларнинг бошқарув меҳнатини баҳолашни тушунтириш; - Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув меҳнатини оқилона ташкил этишнинг асосий йўналишларини тушунтириш; 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Бошқарув меҳнати, унинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини изоҳлайди; - Меҳнатни рағбатлантиришни такомиллаштириш йўлларини тушунтиради; - Раҳбар ходимларнинг бошқарув меҳнатини баҳолашни айтиб бера олади; - Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув меҳнатини оқилона ташкил этишнинг асосий йўналишларини айтиб бера олади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, маркер, скотч, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоавий ишлаш. Гурухлар билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. (10- мин.)	<p>1.1. Ўтган дарсда “Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари” мавзусини вазифа қилиб берилганлигини эълон қилади.</p> <p>Мавзуни ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиб, матнни куйидаги белгилар билан белгилаб чиқиш кераклигини эслатади: (1-илова)</p> <p>(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.</p> <p>(+) – янги маълумот.</p> <p>(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.</p> <p>Талаба билган нарсани тасдиқлайди, унга нима янги маълумот эканлигини сўрайди.</p>	<p>Эшитади, тайёргарлик кўради.</p> <p>Талабалар топшириқ бўйича ўз фикрларини айтадилар.</p>
2-босқич. (20 мин.)	<p>2.1. Мавзу бўйича талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида саволлар беради:</p> <p>1.Сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш.</p> <p>2.Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.</p> <p>3.Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.</p> <p>4.Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг афзалликлари.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p>
3-босқич. (40 мин.)	<p>3.1. 8-мавзуни эълон қилади. Режаларини ёздиради.</p> <p>3.2. Ҳар бир режа бўйича тушунча берилади (2-5 иловалар).</p>	<p>Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, ёзиб олади.</p>
4-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>4.1 Мазкур мавзу бўйича умумий хулоса қилади ва мустақил ишлаш учун саволлар беради (6-7 иловалар)</p> <p>4.2. Уйга вазифа қилиб Сув хўжалигида меҳнат жараёнларини бошқариш усулларини кўрсатиб беришни эълон қилади.</p> <p>4.3.Қоидаларини тушунтириб ўтади</p>	<p>Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олади.</p>

«Сув ҳўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари»

мавзусини ўрганишда

1-илова

“Инсерт усули” дан фойдаланиш

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Бошқарув меҳнати				
Меҳнатни рағбатлантириш				
Бошқарув меҳнاتини баҳолаш				
Меҳнат харажатлари				
Технологик жараён				
Шарномавий муносабатлар				
Ижтимоий муносабатлар				
Инсоний муносабатлар				

2-илова

Бошқарув меҳнати, унинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари.

Бошқарув меҳнати, товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнатини ажралмас қисми, бошқарувнинг функциялари оператив бажарилиши тўғри ташкил қилинишига боғлиқ бўлади ва ишлаб чиқариш натижасига таъсир кўрсатади.

Бошқарув меҳнати бошқарувчи ҳаракатларида, бошқарув операцияларида, яъни инсонлар бошқарув жараёнида намоён бўлади. Бошқарув жараёни қўйилган мақсаддан бошланиб, вазифа ва вазифанинг ечилиши билан якунланиб, мақсадга эришиш билан тугайди.

Масала ечилгандан кейин, мақсадга эришишда, яна бошқа вазифа қўйилади, янги мақсад ва яна бошқарув жараёни бошланади.

Мақсад	Ҳаракат	Натижа
--------	---------	--------

Сув хўжалиги корхоналарида бошқарув меҳнати кўйидаги кўпгина масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлади:
- -техник, яъни ускуналардан фойдаланиши, меҳнат шароитларини, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш ;
-технологик, яъни лойиҳалаштириш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш билан боғлиқ ишлар;
-иқтисодий, яъни корхона ички ва ташқи муҳитида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш;
-ташкилий, яъни ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишда бошқарув структурасини такомиллаштириш билан боғлиқ ишлар;
-ижтимоий, яъни ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш билан боғлиқ ишлар.

Менежментнинг эволюцион босқичларида таъкидланишича, раҳбар ходимлар рағбатлантиришнинг кўйидаги учта усулини қўллаганлар		
Анъанавий усул	Инсоний муносабатлар усули	Инсоний ресурслар усули

<p>Аттестациядан ўтаётган ишчи аввалдан тавсифнома билан танишиши шарт.</p> <p>Комиссия ушбу материалларни кўриб чиқади, аттестациядан ўтаётган кишини тинглайди ва қарор қилади</p>		
<p>1.Эгаллаб тўрган лавозимига лойиқ</p>	<p>2.Шартли ўтди, 6 ойдан сўнг қайта аттестация қилинади</p>	<p>3.Эгаллаб тўрган лавозимига нолайиқ</p>
<p>Комиссия баъзи ишчиларни мартабасини кўтаришга ва баъзи хизматлари учун тақдирлашга ва бошқа ишга ўтказишга тавсия қилиши мумкин.</p>		

Хулоса

Бошқарув меҳнати, товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнатини ажралмас қисми, бошқарувнинг функциялари оператив бажарилиши тўғри ташкил қилинишига боғлиқ бўлади ва ишлаб чиқариш натижасига таъсир кўрсатади. Бошқарув меҳнати ақлий, ижодий ҳарактерларни ўзида мужассам этади.

Бошқарув меҳнатининг предмети ишлаб чиқаришнинг моддий элементи эмас, балки ахборот, ҳар-хил ҳужжатлар, бошқарув ечимлари ҳисобланади. Бошқарув меҳнатида ва техник бажарувчиларнинг улуши - бу меҳнат харажатларини олиш учун ахборотни қайта ишлаш, таъминлаш ва сақлаш асосий ўринни эгаллайди.

Бошқарув мақсадга йўналтирилган жараёндек, авваламбор инсонларни бошқаришдир.


Рағбатлантириш - бу инсон омилини кенг демократик асосида фаоллаштириш, унинг манфаатлари йўлида ғамхурлик қилишни бошқаришдир. Меҳнатни пировард натижасига қараб ходимларни рағбатлантириш амалга оширилади. Бунда моддий рағбатлантириш усули қўлланиладики, натижада бу катта самара беради.

Назорат саволларига жавоб беринг.

1. Менежерларнинг ишбилармонлик ва шахсий хусусиятларини баҳолашда бошқарув амалиётида яна қандай усуллардан қўлланилади?
2. Бошқарув ходимларининг умумижтимоий сифатлари деганда нимани тушунасиз?
3. Бошқарув ходимларининг касбий сифатлари деганда нимани тушунасиз?
4. Бошқарув ходимларининг табиий – генетик сифатлари нималарни ўз ичига олади?
5. Бошқарув ходимларининг педагогик сифатлари деганда нимани тушунасиз?
6. Бошқарув меҳнатини оқилона ташкил этишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

1-Топширик. Раҳбар ходимларнинг бошқарув меҳнатини баҳолаш қандай амалга оширилади?


“Қандай” схемаси



2-Тоширик: Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув меҳнатини оқилона ташкил этишда вужудга келадиган муаммолар.

“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



3-Тошриқ: Меҳнатни рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари нимадан иборат? Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

Савол	Меҳнатни рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари нимадан иборат? Сизнинг фикрингиз?
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумаштиринг	

ФСМУ технологияси қондаси.

Ушбу технология мунозаралари масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-муносабатларини ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.Тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб,тасдиқловчи далиллар ёки инкор фикрларини баён этишга ёрдам беради.